

"ПАХТАОБОД" МАҲАЛЛАСИДА САЙЁР ҚАБУЛ

Туман ҳокими Шерзод Қудратов жойларда аҳолининг муаммоларини ўрганмоқда ва уларни қисқа фурсатларда бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йилнинг 26 апрель куни туман сектор раҳбарлари иштирокида "Пахтаобод" маҳалласида ўтказилган қабул давомида фуқароларнинг турли масалалардаги муносабатлари ешитилиб, ўрганиб ҳал этиш учун тегишлилиги бўйича масъулларга бириктирилди. Айрим муносабатлар эса жойида тушунтириш берилиб, қаноатлантирилди.



"Мобиль методик гуруҳлари" ўқуви

КОРЕЯЛИК МУҲАНДИС ДАРС ЎТДИ



25 апрель куни 47-ИДУМда Корея ва Ўзбекистон ҳамкорлигида ташкил этилган "Энтри" компаниясининг дастурчи муҳандиси Ким Чи Ин билан информатика фанидан ташкил этилган "Мобиль методик гуруҳлари" тингловчилари семинар учрашуви бўлиб ўтди. Семинарда корейлик муҳандис "Мобиль методик гуруҳлари" тингловчиларига дарс ўтди.

"Ёшлар овози"

САРВАРБЕК РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТАДИ



Ёшлар Ишлари Агентлиги томонидан ташкил этилган "Ёшлар овози" республика кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи ғолиби билан танишинг:

10-15 ёш тоифаси бўйича:

Аънавий ижро йўналишида - Сирлибоев Сарварбек - Оқдарё тумани 31-мактаб ўқувчиси.

Туманимиз шаънини ҳимоя қилувчи Сарварбек Сирлибоевга танловнинг республика босқичида омад тилаймиз!

"БЕЗГАККА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ"

ЖССТнинг 2007 йил май ойида бўлиб ўтган 60-сессия қарорига асосан, дунё бўйича ҳар йили 25 апрель - Бутун Жаҳон безгакка қарши кураш куни сифатида нишонланади. Шу муносабат билан айни кунларда туман Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими паразитологлари томонидан "Безгакка қарши биргаликда курашамиз" шиори остида аҳолига тушунтириш тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Яқинда туман Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими паразитологлари томонидан туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Тўртайғир оилавий поликлиника ҳамшираларига, Пичоқчи маҳалласидаги мактаб ўқувчиларига ҳамда 62 та хонадондаги аҳоли ўртасида суҳбатлар ўтказилиб, эслатмалар тарқатилди. Безгакни даволаш мумкинлиги ва аҳолига безгак касаллигининг профилактика чораларини кўриш зарурлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.

ЎҚУВ-СЕМИНАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Яқинда маҳалла хотин-қизлар фаоли лавозимига сараланган номзодларнинг фаолиятга самарали киришиши учун талаб этилган билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида қаратилган ўқув-семинари ташкил этилди. Унда туман ҳокими Ш.Қудратов иштирок этди ва семинарни очиб берди.

Мазкур семинар 2 кунга мўлжалланган бўлиб, унга Самарқанд Давлат Университети доценти Гулноза Султонова тренер-модераторлик қилди.

Семинар дастуридан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги "Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти, ҳоким ўринбосарларининг жамоатчилик билан алоқаларини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахслар муносабатлари билан ишлаш, уй-жойга муҳтож хотин-қизларни турар жой билан таъминлаш каби мавзулар ўрин олган.

"ЗУККО КИТОБХОН" ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ



5 ташаббус олимпиадаси доирасида туманимизнинг барча маҳаллаларида ёшлар ўртасида "Зукко китобхон" танлови ўтказилмоқда. 25 апрель куни Пичоқчи маҳалласидаги 31, 51-мактабларнинг тарғиботчилари томонидан танловнинг маҳалла босқичи ўтказилиб, ушбу беллашувда иштирок этган ўқувчилар ўзларининг бу борадаги билим ва маҳоратларини намойён этишди.

Эндиликда ғолиб жамоалар мусобақанинг сектор босқичида беллашадилар.

М.АБДУРАҲМОНОВА.

СПОРТ

ВИПОЯТ БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ

22-23 апрель кунлари туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Умид ниҳоллари" спорт мисобакасининг баскетбол тури бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Мусобақа якунига кўра туманимиз шарафини ҳимоя қилган 45-ИДУМ баскетболчилари Самарқанд, Пахтачи, Булунғур, Каттақўрғон туманлари спортчиларини ортада қолдириб, фахрли 1-ўринни эгаллашди.

Спортчиларимизга кейинги республика босқичида омад тилаб қоламиз

ТИКУВ МАШИНАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Туман ҳокими қабулида бандлик масаласида муносабат қилган ва "Ёшлар дафтери"да турган 12 нафар ёшларга Ёшлар жамғармаси томонидан тикув машиналари берилди. Эндиликда бу ёшлар ҳам ўзини ўзи банд қилган ҳолда тикувчилик билан шуғулланиб, даромад топиш имконига эга бўлдилар.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.

Қишлоқ хўжалиги хабарлари

ПАРВАРИШ ҚИЗГИН

Туманимиз деҳқонлари жорий йилда 5761 гектар майдондаги ғўза ниҳолларини парвариш-лаб, давлатга ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл пахта етказиб бериш мақсадида астойдил меҳнат қиляптилар. Ёкиш мавсумининг қисқа фурсатларда амалга оширилганлиги туфайли мавжуд майдонларда тўлиқ ниҳол ундириб олинди. Айни шу кунларда барча фермер хўжаликларида ғўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш уюшқоқлик билан амалга ошириляпти. Туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассисларининг маълум қилишларича, фермерларимиз томонидан экилган "Султон", "Омад" навларини парваришлаш шу куннинг талаблари даражасида ташкил этилган. Кунига далаларда юздан ортиқ культиваторлар юргизилиб, экин қатор ораларига сифатли ишлов бериляпти. Бир йўла ниҳолларга минерал ва маҳаллий ўғитлар берилаётганлиги ғўзанинг баравж ривожланишини таъминламоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, яғаналаш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб бориляпти. Ҳозирга қадар 2000 гектардан ошқ майдондаги экинлар яғанадан чиқарилди. Бир сўз билан айтганда, пахтакорларимиз жорий йилда мўл ҳосил етиштириш учун ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, баракали тер тўкишяпти.



ДОН МЎЛ БЎЛАДИ

Галла - ризқ рўзимиз эканлиги барчага маълум. Кейинги йилларда туманимизда галладан юқори ҳосил етиштирилишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айрим фермер хўжаликларида гектар бошига йиғиштириб олинаётган ҳосил салмоғи 70-80 центнерни ташкил этмоқда. Албатта даромад ҳам меҳнатга яраша бўляпти.

Жорий йилда галлакорларимиз томонидан 9610 гектар майдондаги экинлар агротехника талаблари даражасида парвариш қилинишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу йилги баҳорнинг деҳқонларимиз учун қулай келиши ниҳолларнинг баравж ривожланишини таъминляпти. Чунки ўз вақтида суғорилган, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантирилган галла экинлари кўзни қувонтиради. Галлакорларимиз жорий йилда ҳам туман бўйича камида 60 центнердан дон олишга аҳд қилишган. Шунга яраша меҳнат қилинапти. Демак режадаги белгиланган топириқлар албатта бажарилади. Буни далаларда олиб борилаётган ишлардан ҳам яққол билиш мумкин.

С. ИБРАГИМОВ.

"АХБОРОТ-КУТУБХОНА АЪЛОЧИСИ" КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Нодира Худойкулова туманимиздаги 1-умумий ўрта таълим мактабида қатор йиллардан буён кутубхоначи сифатида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ўз касбининг фидойиси бўлган Худойкулова Нодира Муродовна Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 803-сонли Қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий коммуникациялар Агентлигининг 73-сонли буйруғига асосан жорий йилда самарали меҳнати билан юқори натижаларга эришганлиги учун "АХБОРОТ-КУТУБХОНА АЪЛОЧИСИ" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ўз касбининг фидойиси бўлган Нодира Худойкуловани ушбу юксак мукофот билан муборақбод этиб, унинг келгуси ишларига ривож тилаб қоламиз.



"ЭНГ ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИ" ТАНЛОВИ ВИПОЯТ БОСҚИЧИ ҒОЛИБИ



вилоят босқичи ўтказилди.

Танловда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан иштирок этган ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилари ўзаро беллашдилар. Танловда Оқдарё туманидан қатнашган 45, 47-ИДУМларнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Чарос Қурбонова 3-ўринни эгалаб, III даражали диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

АДЛИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСПОҲОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-89-сонли Фармониға асосан, юридик хизмат кўрсатиш марказлари, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиаллари ҳамда ФХДЁ органлари барча ҳуқуқ ва ваколатларини сақлаган ҳолда туман (шаҳар) адлия бўлиmlари тузилмасига ва бўйсунувига ўтказилиб, ушбу адлия органлари бирлаштирилди.

Сўнгги йилларда амалға оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, жойларда аҳолини ташвишға солувчи ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш, ўз фаолияти юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш масалаларида адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулияти сезиларли равишда ошмоқда.

Шу билан бирға, "Янги Ўзбекистон - халқчил ва инсонпарвар давлат" госясини рўёбға чиқариш адлия органлари тизимида маъмурий ислохотларни янада чуқурлаштиришни тақозо қилмоқда.

Мамлакатимизда адолат ва ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш, аҳолиға профессионал хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарувни яратиш, декларатив хусусиятға эға вазифаларни бекор қилиш, функцияларни амалға оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаш ва тақрорланишларнинг олдини олиш орқали бюджет маблағларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда адлия органларининг роли ва масъулияти янада кучайтирилиб, вазирлик тизимасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилди.

Аҳолиға давлат хизматлари кўрсатиш йўналишида:

- жисмоний ва юридик шахсларға давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалға ошириш;
- ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ҳисобиға тезкор, қулай ва сифатли давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;
- давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш

ва самарадорлигини баҳолаш;
Интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза ва химоя қилиш йўналишида:

- интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ихтиролар, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни химоя қилиш;
- ихтиролар, фойдала моделлар, санонат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

Адлия вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар;

Юридик хизмат кўрсатиш марказлари, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиаллари ҳамда ФХДЁ органлари барча ҳуқуқ ва ваколатларини сақлаган ҳолда туман (шаҳар) адлия бўлиmlари тузилмасига ва бўйсунувига ўтказиш белгиланди.

Мазкур қарорға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма иждоқорлиги фаолиятини тақомиллаштириш концепциясидаги вазифаларни амалға ошириш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш тартибини тақомиллаштириш мақсадида 2022 йил 1 майдан бошлаб қуйидаги тартиб ўрнатилиши белгиланди. Унга мувофиқ:

- қонунчиликка асосан маҳаллий ижро ҳокимияти органлари қарорларини қабул қилишда ҳудудий адлия органлари ижобий ҳулосаси олиниши белгиланган ҳолларда, бундай ҳулоса олинмасдан тегишли қарорларни қабул қилиш (чиқариш)ға йўл қўйилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиnmаларига ўзларига юклатилган вазифаларни самарали амалға ошириш учун қуйидаги:

- давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш;
- интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларға жарима қўллаш;
- давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда юзаға келган меҳнат низосини қўриш ҳақидаги ариза билан судға мурожаат қилиш ваколатлари берилди.

Ж.ХОЛНАЗАРОВ,
туман ЮХКМ бош юрист консульти.

ОИЛА МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОН ЭКАНЛИГИНИ УНУТМАНГ

Оила тинчлиги, мустаҳкамлиги, соғломлиги бу маҳалла ва юртимиз тинчлиги, деб бежиз айтилмаган. Оила - жамиятнинг асосий бўғинидир. Кейинги пайтда тўйларни ихчамлаштириш ҳақида маҳалла фаоллари томонидан тушунтиришлар ва телевидение орқали қўллаб қўрсатувлар бериб борилаёпти. Иш фаолиятимиз давомида кўпинча оила қураётган ёшларимиз, ота-оналаримиз бир кунлик орзу ҳавас деб, ортиқча сарф-харажатлар қилиб, жойи келса катта қарзлар эвазига тўйлар қилишиб, кейин бу харажатларни ўрнини тўлдириш учун иқтисодий томондан оғир аҳволға тушиб қолаётганини гувоҳи бўлаёпмиз. Кейин эса бу қарзларни узиш учун қувв ёш келинни қолдириб Россияға пул топишға кетаяпти, то келгунча оилада турли низолар келиб чиқиб, натижада ажрим ҳолатлари бўлмоқда.

Бундай салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида давлатимиз бир қатор қарор ва фармонлар чиқармоқда. Деярли ҳар кўни бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида мақолалар, кўрсатувлар бериб борилишиға қарамасдан, ҳали ҳам ҳалқимиз ўртасида дедбдабали, ортиқча исрофгарлик билан ўтказилаётган тўйлар учрамоқда. ФХДЁ органларида ҳам бундай иллатлардан воз кечиб, ихчамлашган, кам сарфли тўйлар ўтказиш учун аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, ёшлар никоҳдан ўтиш учун ариза бергандан кейин никоҳланувчилар ўқув курсларига қатнашди ва бу ўқув курсларида тўйларни ихчамлаштириш ҳақида ёшларимизға турли хил мавзуларда сўхбатлар ўтилади. Бундан ташқари, тўйларни энди бўладиган келин ва қуввнинг маҳалласида тўйларни ихчамлашган, ортиқча сарф-харажатсиз ўтказиш чораларини қўриш ҳақида хонадон аъзолари билан сўхбат ўтказиш учун хат берилади. Оила мустаҳкам бўлишида оила қурувчилар унинг муқаддаслиги, бир-бириға муҳаббат, ўзаро ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатликда, нафақат ёшлар, балки оиланинг барча аъзолари буни масъулият деб билиши ва шунға амал қилиши зарур. Ҳар бир шахс оилавий муносабатларға киришар экан, унда эр ва хотин, ота ва она ҳамда бола ҳуқуқлари нималардан иборатлигини билиши ва унга амал қилиши керак.

Никоҳ ФХДЁ органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг эр ва хотиннинг ҳуқуқлари вужудға ке-

лади ва бу қонунда белгилан қўйилган.

Оилада фарзанд дунёға келгандан сўнг ота-онада ўз болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқлари пайдо бўлади. Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларға эгадирлар. Оила кодексига асосан ота-оналик ҳуқуқлари болалар ўн саккиз ёшға тўлганларида (вояға етганда), шунингдек, вояға ет-

маган болалар никоҳға кирганларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояға етмасдан тўла муомала лаёқатиға эға бўлганларида тугайди. Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг гамхўрлигидан баҳраманд бўлиш, бола манфаатларига зид бўлмаганда улар билан яшаш ҳуқуқиға, ўз ота-онаси бағрида уларни тарбиясини олишға, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар

қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода этишға, шунингдек, суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашға ҳақли. Бола исм, фамилия ва отанинг исмини олиш ҳуқуқиға эға бўлиб, исм ота-она келишувига қўра, ота исми отасини исмиға бинаван, фамилияси ота-онанинг фамилиясига ёки ота-онанинг хоҳишиға қараб миллий анъаналарға асосан, боболарнинг исмлари бўйича берилади. Ота-она ўртасида боланинг исми ёки фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб чиққан низо вазийлик ва ҳоимийлик органи томонидан ҳал қилинади. Ота-она боласи олдида масъул, яъни ўз болаларини тарбиялаш шарт. Базми ҳолларда ота-оналар ўз болалари тарбияси олдида мажбуриятларини унутиб қўйди ёки боланин мактабға бердим, тарбиясига ҳам тўлиқ ўқитувчи жавобгар, деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, ота боболаримиз болага тарбия бешикдан бошланади деб, бежиз айтишмаган. Оилада ҳамма нарса ўз ўрнида бўлиб, эр-хотин тенг ҳуқуқлардан фойдаланган, ҳар бир машғулот турини, касб ва яшаш жойини танлашда, болалар тарбияси ва оилавий турмушининг бошқа масалаларида эр-хотин бир-бирини тушуниб ҳал қилсағина, оила мустаҳкам қўрғонға айланади.

Дилафрўз ШАКАРОВА,
туман ФХДЁ бўлими инспектори.

Экстремистик ва фундаменалистик ҳаракатлар билан боглиқ жиноятларға қарши кураш бугунги кунда жаҳонда энг долзарб муаммо бўлим турибди. Чунки бу жиноятлар бир давлат ҳудуди билан чекланмайди.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2005 йил 14 сентябрдаги Резолюциясининг 1-бандиға қўра барча давлатлар халқаро ҳуқуқ меъёрларига қўра, қуйидаги чора-тадбирлар қабул қилишға даъват этилган.

а) миллий қонунчиликда террорчилик ёки бошқа актларни содир қилишға қаратилган далолатчилик қилмишини тақиқлаш; б) бундай ҳаракатларни олдини олиш; с) бундай ҳаракатларни содир этганликда айбли деб ҳисоблаш учун тўғри ва тегишли маълумот, етарли асослар мавжуд бўлганида ҳар қандай шахсларға бошпана беришни рад этиш, мазкур йўналишда давлатларнинг халқаро ҳамкорлигини давом эттириш.

2004 йил 17 июнда Тошкентда ШХТға аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан қабул қилинган Тошкент Декларациясида терроризм, сепаратизм ва экстремизмға

лаштириш, бу жиноятларға қарши курашнинг асослари ва ҳуқуқий базасини кенгайтириш, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Коллектив хавфсизлики таъминлашда ШХТ фаолиятдан ташқари МДХ томонидан ҳам халқаро ҳамкорлик кенгайтирилмоқда. МДХға аъзо давлатларнинг парламентларо ассамблеясининг 2002 йилдаги 18 ялғи мажлисида "Халқаро терроризмға қарши курашда дунё давлатлари парламентлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш тўғрисидаги" қарор қабул қилинди. Қарорда экстремизмға қарши курашни мувофиқлаштирувчи орган тузиш зарурияти мавжудлиги эътироф этилди. МДХ давлатларида экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши курашда ҳуқуқий механизмни тақомиллаштириш мақсадида марказ ходимлари томонидан муҳим юридик ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

2005 йил 26 августда МДХға аъзо давлатларнинг терроризм ва экстремизмға қарши кураш бўйича ҳамкорлик Концепцияси қабул қилинди. Унда ҳамкорлиқнинг мақсади ва вазифалари сифатида қуйидагилар белги-

ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



ланди:

- МДХға аъзо давлатларни, уларнинг фуқаролари ва улар ҳудудида яшаётган бошқа шахсларни терроризм ва экстремизм таҳдидидан химоя қилишни таъминлаш;
- ҳар қандай шакл ва кўринишдаги терроризм ва экстремизмни қабул қилмаслик муҳитини яратиш;
- МДХға аъзо давлатлар ҳудудида терроризм ва экстремизмни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш, шунингдек, террорчи ва экстремистик характердаги жиноятларни оқибатларини тугатиш;
- терроризм ва экстремизмға қарши курашда ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш;
- МДХға аъзо давлатлар миллий қонунчилигини халқаро қонун меъёрлари ва принципларига мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантириш;
- террорчи ва экстремистик фаолиятни молиялаштиришға қарши курашиш;
- терроризм ва экстремизм тарғиб қилинишига қарши курашиш.

Экстремизм ва фундаментализмға қарши курашни изчил олиб боришда 2006 йил 25 майда қабул қилинган "Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигиға аъзо давлатлар Бош прокурорларнинг терроризм ва экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши курашда ҳамкорлиги тўғрисидаги битим" ҳам муҳим аҳамиятға эгадир. Ушбу битимға бинаван:

МУЛККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНING ХУСУСИЯТЛАРИ

учун асосий вазифа бўлди. Мамлакатимизда амалға оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жамият аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий баркамоллик даражасини юксалиб бориши билан тавсифланади. Миллий истиқлол мафкураси ўзи танлаб олган мустақил йўлдан ривожлана бориб, ижодий имкониятлари, ҳақиқий демократик ва инсонпарварлик қадриятларини янада тўлиқ намоён қилмоқда. Бу давр жаҳон миқёсида қолаверса, минтақамизнинг базми жойларида тинчликнинг бузилиши, ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиши, айниқса, янгидан янги ахборот технологиялари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг кибржиноятчилик, кибертероризм каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши фуқароларнинг осойишталигиға таҳдид солинаётганлиги билан изоҳланади. Бунда хоҳ диний, хоҳ дунёвий ёҳуд сиёсий бўлмасин, давлат ва фуқароларнинг осойишталигиға, ҳуқуқ ва эркинликларига қилинадиган тажовузларни назарда тутмоқдамиз.

Амалда мулкка қарши жиноятчилик - бу жиноят қонунида назарда тутилган бир неча ўн жиноят таркиблари (ўзганин мулкни талон-тарож қилиш, валюта бойликлари билан файриқонуний битимлар тузиш, қалбаки пул ёки қимматбаҳо қоғозлар яшаш ёки уларни ўтказиш, даромадларни солиқ органларидан яшириш, файриқонуний тадбиркорлик, контрабанда ва бошқалар)нинг мураккаб мажмуидир. Мулкка қарши жиноятлар жумласиға таъмағирлик ниятидаги мансабдорлик жиноятлари, айниқса, порахўрликлар қиради. Шулардан келиб чиқиб, шуни айта оламизки, иқтисодий жиноятчилик ижтимоий хавфлилик даражасининг ҳуқуқорилиги у жамият институтларига салбий таъсир кўрсатиши, давлатнинг моддий негиши - иқтисодий фаолиятининг белгиланган тартиби бузилишида ифодаланади. У айрим ўзига ҳос хусусиятлар билан тавсифланади:

Мулкка қарши жиноятларнинг латентлик даражаси анча юқори. Уларнинг асарияят

давлатлар хавфсизлигиға таҳдид солаётган террорчи ва бошқа экстремистик ташкилотлар, гуруҳлар, алоҳида шахслар ва улар ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилиши: юқори технология ва экологик объектларнинг хавфсизлиги: қонқоний қуроли ташкилотларнинг шакли, мақсади, вазифалари, тактикаси, аъзолари ва бошқалар: уларнинг аниқланган ва тахмин қилинаётган молиялаштириш каналлари, шунингдек, улар фаолиятиға молиявий ёрдам кўрсатаётган шахслар: терроризм ва экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши курашда қонунчиликни, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тартибға солиш амалиёти: терроризм ва экстремизмға қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришда прокуратура идоралари тажрибаси тўғрисидаги статистик, илмий услубий ва бошқа маълумотларни алмашиш назарда тутилган.

Шунингдек, 2004 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича қўша декорация қабул қилинди. Декорациянинг 8-моддасида терро-

ризм, сепаратизм ва экстремизм давлатлар хавфсизлигиға таҳдид солаётгани қайд этилди. Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги келишувға асосан терроризм, сепаратизм ва экстремизмға қарши курашда минтақада тинчлиқни сақлаб қолиш мақсадида ҳамкорлиқни давом эттириш, диний экстремизмнинг турли кўринишларига қарши муттасил кураш олиб боришда янада фаолроқ бўлиш ва ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш зарурлиги эътироф этилди.

Бу борада Ўзбекистон бошқа давлатлар билан ҳам шартномалар, битимлар тузганини эътироф этиш жоиз. Жумладан, 2005 йил 14 ноябрда тузилиб, 2006 йил 19 июлдан қуча кирган Ўзбекистон билан Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг 6-моддасида: томонлар халқаро терроризм, зўравонлик, экстремизм, оммавий қиргин қуролини тарқатиш, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг, қуролининг қонқоний айланниши, трансмиллий уюшган жиноятчилик, хавфсизликнинг бошқа янги таҳдидлари ва шакллариға қарши ҳаракат қилиш самарадорлигини оширишға қаратилган сый-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштиришлари таъкидланган.

2006 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги билан Қозғистон Мудофаа вазирлиги ўртасида тузилган Битимнинг 2-моддасига қўра, томонлар ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлигини тенг ҳуқуқлиқ, шериклик ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида амалға оширишлари эътироф этилди.

Ф.ФАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд ҳарбий прокурорининг ўринбосари.

қисми фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг аризаларига қўра аниқланмайди. Улар мол-мулкни бошқариш ва уларнинг бутлигини таъминлаш ваколати берилган шахслар содир этади. Мулкка қарши жиноятлар айрим янги турларининг латентлик даражаси нисбатан паст (масалан, банк кредитлари олишда фибрибгарлик), қалбаки пул ясашдек хавфли жиноятнинг латентлик даражаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Мулкка қарши жиноятларнинг профилактикаси тушунчасидан аввал, ўғирлик жинояти тушунчасига тўхталиб ўтсак. Жиноят қонуни берган таърифға қўра, ўғирлик - бу ўзганин мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш, яъни ўғирлик жабрланувчи ёки бошқа шахслар ўйлигида ёки улар бор бўлса-да, уларға билдирмасдан ўзганин мол-мулкни яширинча талон-тарож қилиш тушунилади. Хонадонларда содир этиладиган ўғирликларнинг криминалистик таснифи - мазкур жиноятни содир этишға мо-йил бўлган шахсларнинг энг муҳим белгилари билан боглиқ маълумотлар йиғиндиси бўлиб, мазкур жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни белгилаб беради.

Ўғирлик талон-тарожнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Бунға сабаб, аввало, ўғирликнинг очиш фойзаларининг унчалик катта эмаслиги бўлса керак. Чунки ўғирлик яширин равишда содир этилади, унинг очилишини қийинлаштиради.

Ўғирлик жиноятнинг объекти ўзганин мол-мулкни муҳофаза қилиш билан боглиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланиши лозим. Объектив томондан ўғирлик ўзганин мулкни яширин равишда талон-тарож қилишда, яъни файриқонуний бепул ундиришда ифодаланади.

Асқар ХОЛИҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар академияси 312-гуруҳ курсанти.



БОЛАЛАР НАФАҚАСИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Саволларга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы туман бўлими бошлиғи Бахтиёр Норкулов жавоб беради

- Бир неча бор маҳалламиз раисига болалар нафақаси учун ҳужжат топширдим, бироқ нафақа тайинлаб бермаяпти. Болалар нафақасини ким ёки қайси ташкилот тайинлаб беради?

- Болалар нафақаси бирор ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан тайинланмайди ва бунга инсон омили аралашмайди. Болалар нафақаси ва моддий ёрдам Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сонли қарори 1-илловаси билан тасдиқланган кам таъминланган оилаларга "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан ахборот тизими орқали тайинланади.

Бунда фуқароларнинг муурожаат қилиши, ҳар ойнинг 16 санасигача, Фуқаролар яшаш жойи бўйича фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органига, яъни маҳалла фуқаролар йиғинига аризани тақдим этади, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи ҳар беш кунда, бироқ ойнинг 19-санасига қадар ҳужжатларни Пенсия жамғармасы туман (шаҳар) бўлимига тақдим этади. Аризаларни дастурга киритиш жараёни, Пенсия жамғармасы масъул ходими томонидан, ҳар кунги, бироқ жорий ойнинг 26-санасигача "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимига киритилади ва ижтимоий нафақани тайинланганлиги, тайинлашни рад этилганлиги ёки аризалар ке-йинги ойда қайта кўриб чиқилш учун (кутиш рўйхати) ўтказилганлиги, инсон омили аралашувисиз "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқланади.

- Қўшинга юқори ташкилотларга муурожаат қилганлиги учун болалар нафақаси тайинлаб беришибди. Бу қанчалик тўғри?

- Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сонли қарори 1-илловаси билан тасдиқланган кам таъминланган оилаларга "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан ахборот тизими орқали тайинланади. Яъни қўшингизни оиласи ахборот тизими орқали кам таъминланган деб топилганлиги ва Низом талабларига мос келганлиги учун болалар нафақаси тайинланган. Албатта ҳар бир фуқаро муурожаат қилиш ҳуқуқига эга, бироқ Низомда белгиланган мезонларга тўғри келмаса ахборот тизими нафақа тайинламайди.

Мисол учун, қўшингизнинг оиласи сони сизнинг оилангиз билан бир хил бўлиб кўринсада, сизга қўшингизнинг даромадлари ва мулклари маълум эмас. Буни фақат "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими реал вақт давомида ташкилотлардан олинган электрон маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқади.

- Даромадингиз белгиланган мезондан юқори, сизга болалар нафақаси тайинлаш рад этилди дейишди. Даромад қандай ҳисобланади ва энг кам миқдори қанча бўлиши керак?

- Даромад мезони жорий йилнинг январь ойдан минимал истеъмол харажатлари миқдорида тенглаштирилади ва Ўзбекистон Республикасида ушбу миқдор 498 минг 557 сўм этиб белгиланди. Демак оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача бир ойлик даромаднинг юқори чегараси 498 минг 557 сўм этиб ўрнатилаган. Буни ҳисоблаш тартиби, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача бир ойлик жами даромад, муурожаат қилинган ойдан олдинги ойгача бўлган охириг уч ой учун ҳисобланади ва оила аъзолари сонига бўлиш орқали аниқланади.

Мисол учун, 2022 йил март ойда болалар нафақаси учун ариза берган бўлсангиз, сизнинг ўртача даромадингиз 2022 йил январь, 2021 йил декабрь, ноябрь ойларидаги даромадингизни қўшиб унга бўлинади ва чиққан натижа оила сонига бўлиш орқали аниқланади. Ўртача даромадингиз 498 минг 557 сўмдан 1 сўм ортиқ бўлса ҳам болалар нафақаси тайинлаш рад этилади.

- Мен ҳам турмуш ўртоғим ҳам ишсизмиз, яъни кунлик ишларда ишлаймиз. Ишсизлигимиз сабабли бир нафар фарзандимга болалар нафақаси тайинланмаяпти. Уй жойимиз йўқ, машинамиз йўқ. Опам ва почам ҳам ишсиз, лекин уй жойи ва 2006 йил чиққан енгил автомобили бор унга болалар нафақаси нега тайинланган?



- Кам таъминланган оилаларга "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 4-боб, 20-бандининг кичик к) бандига асосан расмий даромад манбаларига эга бўлган ва охириги олти ой майдонида иш излаб меҳнат органларига муурожаат қилмаган ҳамда меҳнат органларида ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатида киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган меҳнатга лаёқатли оила аъзоси мавжуд бўлганда нафақа тайинлаш рад этилади.

Низомнинг 20-банди в) кичик бандига асосан ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номига расмийлаштирилган ёки бош ишончномага асосан қуйидагилар мавжуд бўлганда: ишлаб чиқарилган мuddати 7 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган енгил автотранспорт воситаси бўлганда ариза рад этилади. Опангизни автомобилга янги бўлмаганлиги сабабли мулкй даромад ҳисобланмайди.

Аризачининг якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер майдонида томорқа майдонини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ахборот тизимидан электрон ахборот алмашинуви орқали олинган маълумотлар асосида 4 сотихгача бўлган томорқа ер ёки деҳқон ҳўжалиги майдонида оиланинг меҳнатга лаёқатли ишсиз битта аъзоси ҳамда кейинги ҳар бир 4 сотихгача майдон учун қўшимча биттадан оиланинг ишсиз аъзоси томорқа ер ёки деҳқон ҳўжалигини юритиш билан банд бўлган деб ҳисобланади. Шу сабабли опангизнинг аризаси оила азолари томорқа ер майдонида банд бўлганлиги учун ишсиз мақоми билан рад этилмаган.

- Бир нафар фарзандимиз бор, 3 ёшга тўлмаган, турмуш ўртоғим чет давлатда, ҳозирда маблағ юбормаяпти, менга болалар нафақаси чиқариб беринг?

- Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сонли қарори 1-илловаси билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларга "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан, агар электрон ахборот алмашинуви орқали олинган маълумотларда чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолият турини амалга оширувчи оила аъзоларидан пул ўтказмалари миқдори

аниқланмаса, у ҳолда оиланинг бир ойлик ўртача жами даромадини аниқлаш учун оиланинг чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзосига даромад аниқланаётган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдорида тенг бўлган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Яъни бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 822 000 сўм этиб белгиланган, демак икки баравари 822 000х2=1 644 000 сўм даромад ҳисобланади. Сизнинг оила аъзоларингиз сони 3 нафар бўлганлиги сабабли 3 га бўлсангиз, белгиланган мезондан (2022 йил январь ойдан белгиланган мезон, 498 557 сўм) ошиб кетганлиги сабабли сизга болалар нафақаси тайинланмайди.

- Аукциондан деҳқончилик қилиш учун томорқа ютиб олдим ва якка тартибдаги тадбиркор бўлиб давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтдим. Якка тартибдаги тадбиркор бўлганим учун 1 млн. 644 минг сўм даромад ҳисобламоқда, шу тўғрими?

- Тўғри. Чунки Низомнинг 24-бандига асосан Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадни аниқлашда (якка тартибдаги фаолият маълум мuddатга тўхтатилган давр бундан мустасно) даромад аниқланаётган даврда якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинмадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган бир ойлик суммасининг ўн баравари миқдорида тенг бўлган, бироқ меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган бир ойлик ўртача норматив даромад миқдори қабул қилинади.

- Оилавий шароитимни бориб ўрганасизларми? Кам таъминланган оилалар фарзандлари га нафақани маҳалла фуқаролар йиғини тайинлаб берадими ёки Пенсия жамғармасими? Оилавий шароити оғир бўлса ҳоқимлик томонидан тайинлаб бериши мумкинми?

- Йўқ, юқорида таъкидлаганимдек, болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни маҳалла фуқаролар йиғини, Пенсия жамғармасы, шунингдек, туман ҳоқимлиги ва бошқа ташкилот ҳам тайинлаб бермайди. Нафақалар инсон омили аралашувисиз "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали тайинланади ва аризангизда кўрсатилган телефон рақамингизга СМС тарзда тайинланган, рад этилган ёки кутиш рўйхатида деган мазмунда ҳабар боради. Рад этилиш сабаблари бўйича тўлиқ маълумот олишингиз учун Пенсия жамғармасига муурожаат қилишингиз мумкин.

- Ўзини ўзи банд қилса нафақа чиқадиими?

- Ўзини ўзи банд қилди дегани нафақа чиқади дегани эмас, бунда оила сони, оиланинг бошқа даромадлари, оиланинг меҳнатга қобилиятли аъзолари, оиланинг мол-мулки ва бошқа даромадлари инобатга олинади. Агар мезонга тўғри келса нафақа тайинланади.

Мисол учун 3 ёшгача оилада 1 та фарзанди бор оиланинг меҳнатга қобилиятли битта аъзоси бўлса, бошқа даромадлари бўлмаса ва у ўзини ўзи банд қилса, ушбу оиланинг даромади ошиб кетади. Яъни меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини икки баробари, 1 миллион 644 мингги оила сонига яъни 3 кишига бўлганда даромади 498 минг 557 сўмдан ошиб кетади ва нафақа та-йинлаш рад этилади.

- Ўзини ўзи банд қилган шахс учун қанча даромад ҳисобланади ва ушбу учун қанча миқдорда тўлов қилиш лозим?

- Ўзини ўзи банд қилган шахс базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида, яъни бугунги кунда 270 минг сўм миқдорда ихтиёрий тўловни амалга оширса, ўзини ўзи банд қилган ҳисобланади ва пенсия ёшига етганда тўлиқ 1 йил иш стажы учун инобатга олинади.

Низомга асосан ўзини ўзи банд қилган шахснинг бир ойлик даромади меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини икки баробари миқдорида ҳисобланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори бугунги кунда 822 минг сўм бўлиб, демак ушбу шахснинг бир ойлик даромади 1 миллион 644 минг сўм деб ҳисобга олинади.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саъдуллаев Жамшидхон Сафоҳонович нотариал идорасида марҳум Гафоров Эгамбердига (2017 йил 2 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз. ***

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саъдуллаев Жамшидхон Сафоҳонович нотариал идорасида марҳум Воҳидов Учқун Каттабековичга (2021 йил 13 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз. ***

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саъдуллаев Жамшидхон Сафоҳонович нотариал идорасида марҳум Дўсмуродов Остонкул Лапасовичга (2022 йил 22 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларни нотариал идорасига келишларини сўраймиз. ***

Манзил: Лойиш шаҳарчаси, Амир Темуր кўчаси.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд агроиқтисодий коллежи томонидан 2015 йилда Ғайбуллаев Иззатилло Хайрулло ўғли номига берилган **К № 3841411** рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги туфайли бекор қилинади. ***

Фуқаро Хайруллаев Ҳумоюнга тегишли бўлган "Янгиқўрғон гулгунчалари" давлат хусусий-шериклик асосида фаолият кўрсатаётган боғчанинг кадастр ҳужжатлари тўпламининг йўқолганлиги туфайли бекор қилинади. ***

"Алихон Мухаббат савдо сервис" хусусий корхонасининг муҳри ва штампй йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

Мутахассис маслаҳати

ЁНҒИН СОДИР БЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Ҳар бир фуқаро ёнғин ёки ёнғин аломатларини, тутун, қуйган ҳид, ҳароратни кўтарилиши ва бошқа ҳолатларни сезганда, қуйидагиларни бажариши шарт: - Телефон орқали дарҳол ёнғиндан қўқарув хизматларига ҳабар беришлари ва ҳаёқарда воқеа содир бўлган манзил, ёнғин чиққан жой ва ўз исми шарифини айтиши керак;

- Иложи борича инсонларни қўқариш, ёнғинни ўчириш ва моддий бойликларни сақлаб қолиш чораларини кўриши керак.

Ёнғин жойига етиб келган корхона раҳбари ёки бошқа мансабдор шахснинг мажбуриятлари:

- Ёнғин ҳақидаги хабарни ёнғиндан қўқарув хизматларига 101 рақамига такроран хабар бериб тасдиқлаши ва юқори лавозимдаги раҳбарлар, диспетчерлар, маскан бўйича жавобгар навбатчиларга маълум қилиши керак;

- инсон ҳаёти учун ҳавф тўғилган тақдирда, уларнинг мавжуд куч воситалари ёрдамида қўқариш чораларини кўриш;

- автоматик равишда ёнғин ўчириш мосламаларини, ёнғин ҳақида одамларга ҳабар бериш ва тутундан ҳимоялаш воситаларини ишга тушганлигини текшириши ва хоналарда ёнғин тезда тарқалиши ва тутун тўлмаслиги учун, зарур бўлганда, электр энергиясини ўчириш, ёнғинга қарши ҳимоялаш мосламаларини ташқарига, юкларни ташишга мўлжалланган мосламалар, асбоб-ускуналарнинг иш фаолиятини тўхтатиш, хомашё, газ, буғ ва сув коммуникацияларини ёпиб қўйиш, ҳаво алмаштириш тизимини ва унга қўшни бўлган хоналарни ишини тўхтатиш чораларини кўриши керак.

Инсонлар яшайдиган биноларда Давлат ёнғин хавфсизлик хизматининг руҳсатсиз ётоқхоналар, уйларнинг яшаш учун мўлжалланган хоналарининг портлаш ва ёниш хавфига эга материаллар ишлатиладиган, сақланган омборхона ва устахоналарга мослаштириш ҳамда хоналарни лойиҳалаш меъёрида кўрсатилгандан бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Аҳоли яшаш жойларида 10 литргача енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни, 12 литргача ёнадиган газларни сақлаш руҳсат этилади. Енгил ёнувчи ва ёнувчи суюқликларни, бошқа ёнувчи газ баллонларни балкон ва хонанинг ичида сақлаш тақиқланади. Ошхона ва бошқа плиталарни газ билан таъминладиган газли баллон сизимлари (12 литр ҳажмдан юқори бўлса) бинога кириш жойидан 5 метрдан кам бўлмаган масофада, деворнинг эшик ромлари ўрнатилмаган томонига ёнмайдиган материаллардан қурилган алоҳида хона ёки махсус кутига (яшикка) ўрнатилади. Яшиқдаги баллонлар сони 3 тадан кўп бўлмаслиги керак.

Фуқароларимиз юқорида айтиб ўтилган ҳолатларга қатъий риоя қилишса, турли ноҳуш ҳолатлар ва ёнғинларнинг келиб чиқишини олдини олган бўламиз.

Зухриддин ХОЛМОНОВ,
туман фавқулодда вазиятлар бўлими инспектори, лейтенант

Соғлик...

УЗУМ ДАНАГИ

Соғлик ва косметика соҳасида кўп ишлатиладиган, териға куч берувчи, антиоксидант манбаи ва холестерин миқдорини туширувчи узум данаги охириги йилларда "табиий соғлик элексири"га айланмоқда. Куйида унинг фойдаларини санаб ўтамиз:

Ҳазм қилиш тизимини тартибга солади. Ўпка хасталикларига, камқонликка ва бош оғриғига шифо. Тиззалардаги остеоартритнинг олдини олади. Нордон узум суви юрак безовталикларига ва ошқозон ярасига шифо. Косметикада крем, шампунь, совун ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Антиоксидант хусусиятлари С витаминидан 20 баравар, Е витаминидан 50 баравар кўпроқ.

Томирларни соғломлаштиради. Қон босими кўтарилиши, юрак инфарк-ти ва фалажликнинг олдини олади.

Диабетли ва варикозли кишиларга ноятда фойдали. Катаракта ва компьютернинг кўзга бўлган зарарларидан сақлайди. Тери тўқимасидаги коллагени соғломлаштиради.

Томир қотишига боғлиқ кўплаб хасталикларнинг олдини олади.

Ревматизм хасталиклари ва оғриққа фойдали. Мияға борувчи кислородни ортттиради.

Саратон, қанд хасталиги, ОИТС, гепатит В ва гепатит С га қарши вужудни ҳимоя қилади.

Ажинларни камайтиради ва сочи гўзаллаштиради.

Эрталаб ва кечқурун бир чой қошиғи талқон қилинган қора узум данагини сув билан ичиш жуда фойдали.

Экстрактнинг 100 мг.лик капсулалари мавжуд. Кунига 1-2 капсула ичиш мумкин. Капсула ўрнига бир лилопча майиз еса ҳам бўлади.

30 ЁШДАН ОШГАЧ...

30 ёшдан ошгандан кейин инсон вужудида модда алмашиниш жараёни бир мунча секинлашади. Озиш қийинлашади. Соғлиқли овқатланиш ёрдамида модда алмашиниш тезлиги мувозанатда тутулиб, қарини секинлаштириш мумкин.

1. Қанд: Ортиқча истеъмол қилиш бепуштликка сабаб бўлувчи инсулин резистентлигига олиб келади. Бепуштликка ва терининг саргайишига сабаб бўлади.

2. Сунъий таъм берувчилар: Ёғ тўпланишига, метаболик синдромга, диабет хасталигига сабаб бўлади.

3. Спиртли ичимликлар: Баданга катта зарари бор. Семиришни тезлаштиради ва жигарга зарар беради.

4. Кофеин: Кола, қаҳва каби ичимликлар таркибида бўлиб, уйку сифатиға салбий таъсир кўрсатади.

5. Оқ ун: Вужуд оқ унни шакарға айлантиради ва ёғ сифатида сақлаб қолади. Оқ ун толасиз бўлганлиги учун вужудга асло фойдаси йўқ. Унинг ўрниға кепакли ун фойдалирок.

6. Транс ёғлар: Умр давомида касаллик хавфини орттириб боради, гормонларнинг мувозанатини бузиб, миянинг иш қобилиятини сусайтиради.

7. Колбаса маҳсулотлари: Нитратли колбаса маҳсулотлари, вужудда саратон пайдо бўлишини таъминлайди. Шу сабабли колбаса, сосиска каби маҳсулотлар юрак соғлиғига зарарли.

8. Туз: Туз қон босимини кўтариб, фалаж хавфини оширади.

9. Консерва маҳсулотлари: Ҳаддан ташқари ёғ, туз, шакар ва кимёвий моддаларға тўйинган бўлади. Гормонал мувозанатсизликлар, саратонга, бепуштликка ва семиришга сабаб бўлади.

10. Тайёр соуслар: Майонез, кетчуп, соя соуси ва шу каби тайёр соуслар таркибида кўплаб қўшимча моддалар бўлиб, соғлиқка янча зарар етказди.

11. Соя: Соя кўкрак саратони ва хотира муаммоларини орттиради.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Эълон * Эълон * Эълон

ТАЪСИСЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

2022 йил 28 май кунй соат 11:00 да "Оқдарё деҳқон бозори" МЧЖнинг 2021 йил якуни бўйича таъсисчиларнинг умумий ййгилиши ўтказилади.

Ййгилиш кун тартибида:

- Жамиятнинг 2021 йил молиявий фаолият якуни ва 2022 йилда қилинадиган ишлар юзасидан жамият раиси ҳисоботи.
- Жамиятнинг 2021 йиллик балансини тасдиқлаш.
- Жамиятга 2021 йил якуни билан берилган аудитордик хулосасини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2022 йил учун тузилган даромадлар ва харажатлар сметаси ва шатлатр жадалини таслиқлаш.
- 2021 йил учун олинган фойдани тақсимлаш ва ажратилган дивидент миқдорини тасдиқлаш.
- Бошқа масалалар.

"Оқдарё деҳқон бозори" МЧЖ.

Шарафли касб эгалари

ЭП АРДОҒИДАГИ ШИФОКОРЛАР

Жамиятимизда шундай касб эгалари борки, улар учун иш вақти чегараланмаган. Одамлар уларга кеча-ю кундуз мурожаат қилишади, кўмак сўрашади. Айниқса, нуридийдангиз, бутун борлигингиз бўлган болажонингиз тўсатдан бетоб бўлиб қолса, дунё кўзингизга қоронғи бўлиб кетади. Кечасими, кундусими бўлишидан қатъий назар, нажот излаб дарҳол улар ҳузурига шошасиз. Англаган бўлсангиз, бундай касб эгалари албатта, шифокорлардир. Негаки, шифокорлар ҳамиша инсонлар билан бирга, улар учун беморларнинг ижтимоий келиб чиқиши аҳамиятсиз, асосийси, уларнинг дардига шифо топса бўлгани.

Туманимиз тиббиёт ходимлари орасида ҳам ана шундай ўз касбини жондилдан севувчи, ҳалол меҳнати билан эл назарига тушган шифокорлар кўлаб топилади. Зумрад Абдуллаева ҳам ана шундай ўз касби-кори орқасидан эл ўртасида ҳурмат-эътибор қозонаётган ёш шифокорлардан ҳисобланади. У асли жомбойлик бўлсада, тақдир тақозоси билан туманимизнинг Ўзбекистон МФЙ Болта қишлоғига келин бўлиб тушди. Турмуш ўртоғи Улуғбек Темиров ҳам бугунги кунда туманимизда болалар шифокори сифатида фаолият юритаётган ҳамда ўз касбининг устаси сифатида халқимизга беминнат хизмат қилаётган тажрибали ва қўли эм болалар шифокори ҳисобланади.

Зумрад Абдуллаева 2009 йили Самарқанд тиббиёт институтининг педиатрия йўналиши бўйича давлат гранти асосида тамомлади ва ўз иш фаолиятини туманимиздаги Болта ҚВПда участка врач сифатида бошлади. Ишлаш билан биргаликда магистратурада ҳам таҳсил олди. У 2014 йили магистрлик унвонини олган, туман тиббиёт бирлашмасида навбатчи шифокор ва туман болалар кўп тармоқли марказий поликлиникасида участка врач вазифаларида фаолият юритди. 2016 йилдан Болалар



бўлими кундузги врач ва "Шошилиң Тез Ёрдам" бўлими болалар навбатчи врач бўлиб ишлади. 2018 йилдан бошлаб эса болалар врач Зумрад Абдуллаева туман тиббиёт бирлашмасининг Болалар бўлими муdiri вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

- Келажагимиз ворислари бўлган болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга намунали тиббий хизмат кўрсатиш бугунги кунимизнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади, - дейди суҳбат чоғида бош педиатр Зумрад Абдуллаева. - Айни пайтда Болалар бўлими 35 ўринга мўлжалланган бўлиб, 40 нафарга яқин жамоамиз билан халқимиз фарзандларининг соғлигини тиклаш йўлида хизмат қилмоқдамиз. Биргина 2021 йил мобайнида бўлимда 1114 нафар ўрнига 1500 нафар болалар даволаниб, ўз оилалари бағрига қайтишди.

Бош педиатр Зумрад Абдуллаева билан суҳбатлашар эканмиз, болалар соғлигини тиклаш ва уларга кўрсатилаётган хизматни замон талаблари даражасига кўтариш борасидаги айрим ечимини кутаётган муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди. Бўлим биноси 2018 йилдан эски бинодан ҳозирги бинога кўчиштириб ўтилган бўлиб, 35 ўринга мўлжал-

ланган касалхонада йил давомида 40-45 нафаргача бола даволанаётганлигини таъкидлади. Бу эса айрим дори-дармонларнинг етишмаслигига ҳам сабаб бўлмоқда. Шунингдек, бўлимга кунига юзлаб бемор болалар турли хил касалликлар бўйича мурожаат билан келишади. Бўлим учун Буг билан даволаш, ЭКГ юракни текшириш учун компьютер-1, муолажа қилиш учун шлатиладиган штатив, столлар етишмайди. Шундай бўлсада, бўлимда фаолият юритаётган 5 нафар шифокор, 16 нафар ҳамшира ва 15 нафар тозалик бекалари ўзларининг бор билим ва имкониятларини ишга солишиб, халқимизнинг фарзандларига беминнат хизмат кўрсатишмоқда. Буни бўлимда даволанаётган Истиклол МФЙ Тангировот қишлоғидан Мўътабар Мейлиева, Олчинтепа маҳалласи Дехқонкумак қишлоғидан Дилфуза Жабборова, Лойиш шаҳарчаси Мустақиллик маҳалласидан Гулзода Абдуллаева сингари фарзандларининг дардларига малҳам топиб, бўлим шифокорларининг беминнат хизматларидан мамнун бўлган кўпчилик ота-оналарнинг миннатдорчилиги сўзларидан ҳам билиб олдик.

Бугунги кунда Болалар бўлими муdiri Зумрад Абдуллаева билан елкама елка туриб ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган тажрибали болалар врач Нурилло Хусенов, Ваҳоб Турдимуродов, Махбуба Нарзиқулова, Моҳира Ғаниева, ҳамширалар Дилфуза Юнусова, Нигора Дўсбоева, Ирода Аҳмедова, тозалик бекалари Зухра Абдуллаева, Нигора Бахромоваларнинг номларини ҳам бу борада ҳурмат билан тилга оламиз.

Дарҳақиқат, инсонлар саломатлиги йўлида ўз ҳузув-ҳаловатидан кечиб хизмат қиладиган бу шарафли касб эгаларини ҳар қанча эътироф этсак камлик қилади. Элу халқимизнинг келажаги бўлган нуридийларимиз саломатлигини муҳофаза қилишдек эзгу максад йўлида асло ҳориманг, азиз шифокорлар!

Гулсара ТИНИБЕКОВА.

Ҳаёт ҳақида

Ҳар бир хайрли ишни иккинчиси билан шундай маҳкам боғлаб юбориш кераки, улар ўртасида заррача ҳам оралик қолмасин - мана шуни мен ҳаёт роҳати, деб атайман.

М. Аврелий

Кўзингизни ҳаётда каттароқ очингки, ўлаётди хотиржа юмасиз.

Алоуддин Башар

ЎЗЎЗ ИШРАШУВ



o'quvchilari tomonidan tayyorlangan badiiy chiqishlar, shoira Oyul Mamatova ijodidan yod olinib, ijro etilgan she'rlar barchaga manzur bo'ldi. Tadbir so'ngida Amriddin Berdimurodov yoshlarga o'z kitoblari bilan sovg'a qildi. Ijodsevar yoshlarga bu uchrashuv yanada yuksalish, badiiy jihatdan o'sishlari uchun katta turtki bo'ldi deyish mumkin.

МЕХР-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

Юртимизда муборак моҳи Рамазон ойи файзли кунларининг бирида туманимизда хайр-саховат тadbирлари бўлиб ўтмоқда. 63-сон ёрдамчи маҳсус мактаб интернати тарбияланувчиларини хурсанд қилишни ният қилган тadbirkor Отабек Мама-расулов ана шундай савоб-ли ишга қўл урди. Тadbirkor томонидан мактаб интернатида тортиқ этилган таом ва нозу-неъматлар болажонлар учун қувонч бахш этди. Шунингдек, ўшбу мурувват тadbiriда туман Маданият бўлимининг «Тарона» ашула ва рақс ансамбли хонандаси Достон Тоғаев томонидан қуйланган қўшиқлар тadbir иштирокчиларини ўйин-кулгуга чорлаб, шоду-хуррамлик бағишлади. Ўтказилган меҳр-саховат тadbiri барчага бирдек манзур бўлди.



С.ИБРАГИМОВ.

28-maktab 1-"V" sinf o'quvchilari ishtirokida "5 tashabbus amalda" shiori ostida tadbir tashkil etildi. Tadbirida 1-"V" sinf o'quvchilaridan Ergashov Ortixon shaxmat bo'yicha faol qatnashgan bo'lsa, Unarboyeva Oydin eng chiroyli rasmi bilan, Shukurov Shaxboxon esa she'rxonlik musobaqasi g'olibi bo'ldi. Shuningdek, Siddiqxonova Zinnura o'zining

O'QUVCHILARNING BO'SH VAQTI MAZMUNLI O'TMOQDA

raqsi bilan hammani lol qoldirdi, Axrolova Madinabonu yasagan gullar barchaning ko'zini quvontirdi.

Tadbirga o'quvchilarning ota-onalari ham jalb qilindi. Farzandlarining iqtidorini ko'rib, ota-onalar juda xursand bo'lishdi. O'quvchilar tadbirida faol ishtirok etishdi. Maktab direktori D.To'rabekova tomonidan faol o'quvchilar rag'batlantirildi.

Bu kabi tadbirlar maktabimiz MMIBDO' O. Eshmurodova tomonidan har kuni har bir yo'nalish bo'yicha tashkil etilmoqda. Musiq fani o'qituvchisi M. To'rabekova, kutubxona mudiri SH. Abduraimova, komp'yuter texnologiyalari o'qituvchisi F. Rahmatullayeva, sport yo'nalishida O.Mustafoyev, A.Yunusov, texnologiya fani o'qituvchilari N.Jabborovalar o'z yo'nalishlari bo'yicha to'garaklar tashkil qilishib, o'quvchilarning bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tishini ta'minlashmoqda.

Go'zal ESHONQULOVA, 28-maktab boshlang'ich sinf o'qituvchisi.

КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА

Туман Ахборот-кутубхона марказида жорий йилнинг 22 апрель кунини "Китобхонлик ҳафталиги" доирасидаги 18-22 апрель кунлари давомида ўтказилган тadbirlar якуни бўйича маънавий-маърифий тadbir бўлиб ўтди. Ахборот-кутубхона маркази ходимлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси раҳбари Б.Ашуров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси шоира Ойгул Маматова ҳамда 7, 8, 24, 55-умумтаълим мактабларининг ИММБ тарғиботчилари иштирок этган ўшбу тарғибот тadbirida туман маданият бўлими хонандалари ва 7, 55-мактабларнинг ижодкор, фаол ўқувчилари томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Tadbirida 26 апрель - Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллуди кунини муносабати билан шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилиб, ижод намуналаридан шеърлар ўқилди. Tadbir сўнггида фаол иштирок этган ўқувчи ёшлар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ЁН ДАФТАРДАГИ БИТИКЛАР



Бир нарсага ақлим етмай турибди. Амалдорлар туғилишда ақли бўлиб туғилишадими ёки амалга ўтиргандан сўнг ҳаммадан доно ва ақлли бўлиб қолишадими?

Лаганбардорлик ва иккиюзламачилик билан амалдорларнинг кўнглини олишдан ортиқ пасткашлик бўлмаса керак.

Фақат бойлик, мансаб ва зўравонлик билан халқнинг ишончини қозонаман деган мансабпарастлар қаттиқ янглишади. Буни ҳаётда кўриб турибмиз.

Айрим сирдош, қадрдон инсонларни баъзан жуда-жуда соғинамиз. Улар билан дилдан тўйиб-тўйиб суҳбатлашгингиз келади. Қизик, соғинчнинг чегараси бормикин? Ёки у чексизмикин? Соғинчнинг миқдорини ўлчашнинг имкони бормикин?

Раҳбарлик дегани фақат буйруқ бериш эмас, балки шахсий намуна, одамийлик, камтарлик, адолатга бўйсунмиш деганидир. Бизда барча тоифадаги амалдорларимиз адолатлими? Шахсий намуна кўрсата олаётганими? Бу саволларга аниқ жавоб борми?

Буюк ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор бир пайтлар "Адабиёт атомдан кучли, аммо унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак" деган эди. Ҳозир ҳам шу қоидага амал қилаямизми?


Фарзандларимиз, набираларимизнинг яхши ўқишлари учун барча шароитларни яратишимиз, уларни руҳлантиришимиз, рағбатлантиришимиз



ниҳоятда зарур. Чунки уларни билимли ва илмли қилиш биз ота-оналарнинг бурчи эканлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Ваъдабоз, қатъиятсиз амалдордан кўра, ўз фикрига эга, ваъдасида турадиган қатъиятли деҳқон афзал.

Сизнинг камчиликларингизни юзингизга айтган кишилардан эмас, балки сохта мактовлар билан сизни кўнглингизни олмоқчи бўлган маддоҳлардан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки ёлгон мактов ҳар қандай инсонни ҳам издан чиқаради.



Журналистикага умуман алоқаси бўлмаган шахсларнинг шу соҳада раҳбарлик қилиб юришлари мантиққа тўғри келадими? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш вақти келмадими, жаноблар!

Яшаш бу кураш демакдир. Яхши яшаш учун эса фақат тинимсиз меҳнат, тунларни бедор ўтказишга тўғри келади. Буни ҳар бир эркак киши билиши ва амал қилмоғи зарур.

Йўлчи Муҳаммадиев.

OQDARYO OVOZI

МУАССИС:
Халқ депутатлари
туман кенгаши ва
туман ҳокимлиги

БОШ
МУҲАРРИР:
Йўлчи
МУҲАММАДИЕВ

Муаллифларнинг фикр-мулоҳазалари тахририят нуқтаи-назарига мос келмаслиги мумкин.
Газета вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 15.01.2007 йил 09-07 рақами билан рўйхатдан ўтган. Нашр 5016
Тахририятга келган кўлэмалар қайтарилмайди.
Фойдаланилган хатларга ёзма жавоб берилмайди.
Газета ҳафтанинг пайшанба кунини чиқади.

Навбатчи:
М.МУСТАФОЕВА.

Газета «Шердор плюс полиграф» МЧЖда офсет усулида 3220 нусхада босилди.
Бюджет
Манзили: Самарқанд шаҳри, У.Турсунов кўчаси 82-уй
Босишга 16.00 да рўхсат берилди.

Саҳифаловчи:
Н.САФИНА.

Манзилими:
Окдарё тумани
Лойиш шаҳри
Амир Темур кўчаси
31-уй.
Тел. (99866)
492-61-88.

Сотувда эркин нархда.